



ЗАРНИНГ ҚАДРИ

Ешпўлатов Бехзод Нодир ўғли

Транспорт Тизимлари Бошқаруви Факультети,

E-MAIL: behzodeshpolatov47@gmail.com

Annotation: *In the article “Zarning qadri”, the article “Sheriyat ummonidan qatralar” by Maqsud Shayhzoda is taken as an object. In which the author’s position as poet and researcher is studied analytically. It also analyzes the artistic potential of Maqsud Shayhzoda, the lover of our rich classical heritage. The poet’s article skills are analyzed in limit theory.*

Key words: article, source, heritage, fiction, classical, mastery, scholarly.

Аннотация: “Зарнинг қадри” мақоласида Мақсуд Шайхзоданинг “Шеърият уммонидан қатралар” мақоласи объект қилиб олинган. Унда муаллифнинг шоир ва тадқиқотчи позицияси таҳлилий ўрганилади. Шунингдек, бой классик меъросимизнинг ошиғи бўлган Шайхзоданинг бадиий имконияти таҳлил қилинади. Шоирнинг мақолановислик маҳорати изчил ўрганилади.

Калит сўзлар: мақола, манба, меърос, бадиий адабиёт, классик, маҳорат, илмийлик.

“Зар қадрини заргар билар, чилангар нени билар” деган халқимизнинг пурмаъно мақоли беихтиёр ёдимга келаверди Мақсуд Шайхзоданинг “Шеърият уммонидан қатралар”(“ Совет Ўзбекистон” газетаси 1965 йил 7 март) мақоласини ўқиб туриб.... Маълумки Ўзбекистон халқ шоири Мақсуд Шайхзода XX аср ўзбек адабиётининг забардаст шоири, етук драматурги, зукко таржимони, моҳир педагоги, нозик дидли адабиётшуноси, фаол жамоатчи ва публицисти. Шунингдек, сермахсул айна дамда, салмоқли меросини ўрганганимизда у бадиий ижодда қанчалар ютуққа эришган бўлса, адабиётшунослик – илмий фаолиятда ҳам ундан кам натижа кўрсатмаганлигининг гувоҳи бўламиз. Мазкур масалада олимнинг тадқиқот йўналишларини нисбатан қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганамиз: Ўзбек мумтоз адабиёти ва унинг забардаст намоёндалари ижодий мероси таҳлили.

XX аср ўзбек адабиёти ҳамда ижодкорлари ҳақида портретлар, илмий таҳлиллар. Ўзбек фольклори ҳамда фольклоршунослиги илмий ва бадиий талқини. Рус ва жаҳон адабиёти классиклари ҳамда асарларининг илмий таҳлили. Даврий нашрлар (“Шарқ юлдузи”, “Гулистон” журналлари, “Қизил Ўзбекистон”, “Ленин учкуни” газеталари) да эълон қилинган йигирма тўрт номдаги мақолаларини ўрганиб чиқиш асносида юқоридагича фикрга келасан киши. Айна дамда ижодкорнинг шижоатини кузатиб, Президент Ш.Мирзиёев томонидан таъкидланган эътироф беихтиёр киши эътиборини ўзига жалб қилади. “Адабиёт ва санъатнинг нақадар қудратли кучга эга экани ҳақида



сиздек зукко инсонлар ҳузурида сўз юритишга, очиғини айисам, ман бироз тортинаман” 1.

Дарҳақиқат адибнинг улкан ижодий мероси картатекасини кузатганимизда нақадар ранг-баранг, серқирра бой ва салмоқли натижадорлигини илғаш мумкин. Бепоеъ сарҳадларни идрок этасан, чексизликлар ўзига мафтун қилаверади.

Юқорида номи қайд этилган мақола миллий мумтоз адабиётимизнинг сержило, гўзал манзаралари таҳлиliga –тадқиқига бағишланган. Минг йилликлар бағридан бўй чўзиб келаётган миллий мумтоз адабиётимиз маълум маънода Шарқ тамаддунининг таркибий қисми сифатида мукамалликка эришган бадий обиди эди. Унинг мавжлари Шайхзодадек бадий тафаккур соҳибини ўзига жалб этди. Оҳанграбосининг асири сифатида санъаткор зўр иштиёқ билан изланишлар олиб боришга эришди. “Классик поэзиямизнинг ички маънавий дунёси мени кўп йиллардан бери қизиқтириб келади. Башар дурдоналари бўлмиш ғазалларда ва рубойларда, қасидаларда ва соқийномаларда оловли эҳтирослар билан бирга вазмин

фикрларнинг омукта бўлиб кетиши санъаткордан чинакам истеъдод билан бирга зўр малака ва пухталики тақозо қилар эди” 2. дея эътироф этган тадқиқотчи ўзидаги қарор топган рағбат етовида беихтиёр объектга киришиб кетади. Мақоланинг композиция асоси ҳам Шайхзодага хос изчилликка эга. Унда мақсад, го муштараклигида назарий таҳлилдан муносабат бошланади. Шарқ бадийиати илмининг тўрт асосий устунлари эътироф этилади. “Илми баён”, “Илми бадеъ”, “Илми аруз” ва “Илми қофия”. Муаллиф навбатдаги режада Марказий Осиё заминидаги адабиёт назариясининг барча йўналишлари бўйича ижод қилган сўз санъаткорлари ва уларнинг асарларига таяниб, қайдларни асослаб беради. Олим мақсад сари интилишда манба билан ишлаш кўникмасини эгаллади. Ана шу йўлда дастлаб Рашидиддин Вотвотнинг “Ҳадоийк ус-сехр” (Сехрли боғчалар) асари (XII аср), Шамс Қайси Роҳийнинг аруз, қофия ва илми бадийга оид “Алмуъжом...” асари (XIII аср) га эътибор қаратади. Манба ўқиш ва тадбил машаққатлари изланувчининг мақсадидан бир зум бўлсада беқарорликка келтиролмади. Юқоридаги манбалар форс-тожик

тилида битилган бўлиб, дунёюзини кўрибоқ Мовароуннаҳр ҳамда Хуросон, Эрон ва Ҳиндистонда оммалашиб кетди. Аксарият мадрасаларнинг дарслигига айланди. Муаллиф томонидан эътибор қаратилган муҳим масала бу таҳлилда манбанинг оригиналиги ва мукамалиги. Манбага таяниб ишлашда унинг назарий тушунчаларини ифодаловчи, шунингдек, бой мумтоз адабиётимизнинг тараққиёт йўлида пойдевор вазифасини ўтаган объектларга эътибор қаратишни маъқул кўради. Шу важдан XIII асрнинг Хоразмлик алломаси Абу Юсуф Саккокий ва унинг араб тилида ёзилган (Маълумки Шарқ мусулмон минтақасида араб тили умумий интеллектуал алоқа воситаси сифатида эътироф этилган) “Муфтох ул-илм (Билим калиди)” маънолар ва баён фанига оид асарини ҳамда уларнинг XX аср бошларигача мадрасаларнинг асосий таянч дарслиги сифатида қўлланилиб келинганлини таъкидлайди. XIII- XIV асрлар ижодкори Аламон Тафтазонийнинг шеърда бадийлик



масаласига қаратилган “Мутаввал (дастлабки)” номли асари унинг аҳамиятини таъкидлайди. Чунки манбада адабий жараёнга киришишнинг дастлабки энг зарур масалалари хусусида тушунчалар берилади. Тафтазоний таърифича бадийликнинг моҳиятини тўлиқ идрок этиб олмасдан намуналар яратишнинг оқибати анчайин кусурли сатрларнинг юзага келиши сабаб бўлади.

Шайхзода адабий манбашунос сифатида юқорида зикр этилган асарларнинг мумтоз адабиётимиз шухратини таъминлашдаги хизматларини айнан Навоий, Жомий, Бобур муваффақиятлари заминидан қидиради. Ютуқларининг асоси сифатида идрок этади. Муаллиф Алишер Навоий ижодининг камолатига амалий таъсирни ва “Мезон ул-авзон”, “Мажолис ун-нафоис”, “Муншоот”, “Муҳокамат ул-луғатайн” ҳамда “Чор девон” ига кирган иккита “Дебоча”ларида юқоридаги манбаларининг таъсирини ёритишда алоҳида эътироф этади. Навоий асарларидаги ўзига ҳосликни таъкидлаган ҳолда уларнинг ижодий интуиция йўналишига замин бўлиб хизмат қилганлигини келтиради.

Олимнинг қайдида Сайфий Бухорий ва Абдурахмон Жомийдек устозларнинг таъсирини ҳам унутмаган ҳолда Навоийда муносабатнинг қарор топишида йирик назарий манбалардан илҳомланиш етакчилик қилган, дея баён қилади. Олим фикрини асослашда муаррихлар қайдларига ҳам таянади. Мақоладан кўзланган мақсадни янада тўлароқ ифодалаш учун маноқиб йўналишдаги асарлардан кенг фойдаланишда контраст усулидан унумли фойдаланади. Келтирилган парча асосида муаррихни, унинг имкониятини ҳарактерлаш билан бирга қитъада ифодаланган шахслар, уларнинг имконияти баёни шунингдек, Навоийга хос салоҳиятни қиёсий типлаш асносида ёритиб берилганлигини таъкидлайди. Мумтоз адабиётимиздаги бу ўзига хос нозик кирраларни илғаш учун киши Шайхзодадек шеърининг нафосатини сеза билиш керак. Ҳам назарий, ҳам амалий кўникмага эга бўлиш лозим.

Қитъада Анварий, Лутфий, Кардарий, Заҳрийлар номи зикр этилади:

Турқисин кўруб қилурлар эрди тарки тавба ҳам, Гар тирик бўлсалар эрди Лутфий билан Кардарий. Бовужуди форсий дар жунби шеър комилаш, Чист ашъори Заҳиру, кист бори Анварий Мақола давомида шеърнинг мазмуни етук назарий тушунча билан талқин қилинади. Кардарий, Заҳрий, Анварийларнинг шахслари ва имконияти аналитик тарзда ойдинлаштирилади. Муаллиф юқорида зикр этилган фигураларнинг номларини ва шахсларини аниқлаш орқали адабиётшуносликка янги, айти дамда ўта муҳим маълумотларни киритиб кетади. Яъни Кардарийнинг кимлиги, Заҳрий деган шахс тўғрисида маълумот берувчи манбаларни солиштириб чиқади ва “Хуш, Кардарий ким?” дея махсус манбаларни қиёслаб, унинг манзилини Хоразм диёрида Кардар деган қасабадан эканлигин аниқлайди (одатда, таҳмис, таҳаллусларда туғилиб ўсган маскани назарда тутиб келинган). Бу ҳукмга келиш учун у Ёқут Ҳамовийнинг “Мўъжам ул –булдон” асарига мурожаат қилган. “Ислом энциклопедияси”дан жой ва унинг



номланишини аниқлаган. Шу ерлик Маҳмуд Бин Али номли шоир (вафоти 1360 йил) яшагани ва у шеърий девондан ташқари “Наҳжул фародис (жаннатлар йўли)” номли манзума ёзганлиги, ўз даврида мазкур асар кенг шуҳрат қозонганлиги, кўплаб нусхалар кўчирилганлиги, форс-араб тилларига ўгирилганлиги – Таносиб санъати борасида таянч манба бўлганлигини аниқлаш билан уларнинг ишончилигини ҳам асослайди.

АДАБИЁТЛАР:

1. (Мирзиёв Шавкат. Амалий натижадорлик, инсон манфаатларини таъминлаш-жамиятни ислоҳ этишининг бош мақсадидир. Т.:“Ўзбекистон” НМИУ, 2018-йил, 182-бет).
2. (Мақсуд Шайхзода. Асарлар 5-том.Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т.: 1973 йил, 5- бет).
3. (Мақсуд Шайхзода. Асарлар. Бешинчи том. Т.: Ғафур Ғулом номидаги “Адабиёт ва санъат” нашриёти, 1973-йил, 7-бет